O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KITOB PALATASI INV.№




Ҳикматлар

# ТИЛЛА УЗУКДАН АЪЛО

● Тарих — фаолиятимизнинг хазинаси, ўтмишнинг гувоҳи, айни замон учун намуна ва ўрнак, келажак учун огоҳлантиришдир.

**Сервантес.**

● Ҳар бир авлод эски модалардан кулади, янгиларини эса эҳтиром билан қабул қилади.

**Торо.**

● Ҳеч нимани билмаган кишининг янглишадиган нарсаси ҳам бўлмайди.

**Менандр.**

● Ялқовлик — бу баданнинг аҳмоқлигидир, аҳмоқлик эса ақлнинг ялқовлигидир.

**Зейме.**

● Агар қарама-қарши фикрлар айтилмаса, у вақтда энг яхши фикрни танлаб оладиган нарса ҳам бўлмайди.

**Геродот.**

● Кўп ўйлайдиган киши кам гапиради, чунки оз сўзга кўп фикрни жойлайди.

**Ирвинг.**

● Мен бу мактубни узунроқ ёздим, чунки қисқа ёзиш учун вақтим бўлмади.

**Паскал.**

● Иғвогарларни қораламаган киши уларни рағбатлантирган ҳисобланади.

**Светоний.**

● Тилдан кўра қулоқдан кўпроқ фойдаланиш яхшидир.

**Сеника.**

● Қўрқоқ хавфсиз бўлганда дўқ қилади.

**Гёте.**

● Ёлғон ва макр — аҳмоқ ва қўрқоқлар дилига уя қуради.

**Честерфильд.**

● Ҳунар қўлингдаги тилла узукдан ҳам аълолигини ҳеч вақт унутма.

*Ҳикматлар ҳазинасидан.*
*Тўпловчи: Ўзбекистон халқ маорифи аълочиси Фахриддин НУРИДДИНОВ.*

Мутасаддилар фикрича...

# МАКТАБ ДАРСЛИКЛАРИ: БЕПУЛ ВА ПУЛЛИ

***Бугунги кунда турли савдо нуқталари, асосан газета-журнал дўконлари, бозорларда, кўча-кўйлардаги расталарда мактаб дарсликлари сотилаётганини кўриш мумкин. Бу янгилик ҳақида гапириб беришни шаҳар Халқ таълими бош бошқармасининг мактаблар бўлими назоратчиси Жамила Алиевадан илтимос қилдик.***




**— Бу йил мактаб ўқувчиларини дарсликлар билан таъминлаш янгича тарзда кечади, деб эшитдик. Шу масалага ойдинлик киритсангиз.**

— Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг шу йил 5 январь куни қабул қилган «Узлуксиз таълим тизимини дарсликлар ва ўқув адабиётлари билан таъминлашни такомиллаштириш тўғрисида»ги қарорига кўра дарсликлар очиқ савдога чиқарилди. Аммо барча мактаблардаги 1-синф ўқувчиларига 18 турдаги дарсликлар ўқув йили бошланиши арафасида бепул берилади. Шунингдек, Меҳрибонлик уйлари, ақлан ва жисмонан заиф болалар тарбияланувчи масканлар учун ҳам ўқув қўлланмалари текиндир.

**— Мактаб ўқувчиларини китоблар билан таъминлашда аҳолининг кам таъминланган қисми мавжудлиги инобатга олинадими?**

— Албатта олинади. Бунинг учун ҳар бир синф раҳбари ўз ўқувчиларининг оилавий шароитларини маҳалла фаоллари иштирокида ўрганиб чиқади. Кам таъминланган, кўп болали, асосий боқувчиси йўқ оилаларни аниқлаб, рўйхатини тегишли шахсларга тақдим этади. Биз ўша рўйхат асосида чоралар кўрамиз. Бундай оилаларнинг фарзандларига дарсликлар бепул берилади.

**— Мактаб кутубхоналарида бугунги кунда мавжуд дарсликлар фойдаланишдан чиқарилиши табиий. Аммо улар орасида мазмунан эскирмайдиган, масалан, табиий ва аниқ фанларга оид китоблар ҳам мавжуд-ку.**

— Дарҳақиқат, ҳозирда мактаб кутубхоналари билан қилинадиган ишлар бисёр. Айни пайтда кутубхоналардаги мавжуд китоблар қайта рўйхатга олинмоқда. Барча маълумотлар қўлга киритилгач, мазмунан эскирган дарсликлар макулатурага топширилиб, эвазига ўша мактаб кутубхонаси учун бадиий адабиётлар олиниши мўлжалланмоқда. Тўғри, кутубхоналардаги дарсликлар орасида математика, физика, кимё, биологияга оид мазмунан эскирмайдиган китоблар талайгина. Улардан фойдаланишда давом этилади. «Ўқитувчи» нашриёти чоп этган янги дарсликлар эса мазмунан кутубхоналардаги эскиларидан сира фарқ қилмайди. Бора-бора ҳозирда мавжуд бундай китоблар фойдаланишдан чиқарилади, чунки битта китоб беш йилга мўлжалланган. Яна шуни айтиш лозимки, мазмунан эскирмайдиган дарсликлардан фойдаланишда уларнинг лотин ёки кирилл ёзувида эканига эътибор қаратилади. Масалан, 4-синфга мўлжалланган эски математика китоби мазмунан эскирмаган бўлса-да, фойдаланилмайди, чунки бу йилги 4-синф ўқувчиси шу пайтга қадар лотин алифбосида ўқиб келган.

**— Дарсликлар савдоси қай тарзда уюштирилади?**

— Дарсликларни бугунги кунда газета-журнал ва китоб дўконларидан, бозорлардан харид қилиш мумкин. Биз эса янги ўқув йилига яқин ҳар бир мактабда Ўзбекистон давлат китоб савдоси ва таъминоти уюшмасига савдо қилиш учун шароит яратиб берамиз. Дарсликлар у қадар қиммат эмас, уларнинг ўртача нархи 150 сўм. Бундан ташқари биз — ўзбеклар кўп болали халқмиз. Синфдан синфга кўчганда акаси фойдаланиб бўлган китоб укасига қолади. Бундай ҳолларда дарслик сотиб олиш шарт эмас.

**— Ота-оналарга қандай маслаҳатлар берасиз?**

— Янги ўқув йили бошланишига ҳали анча вақт бор. Аммо ота-оналарга август ойи келишини кутиб ўтирмасдан ҳозирданоқ оз-оздан дарсликларни харид қилишларини тавсия этаман. Чунки ўқишлар бошланишига оз вақт қолганда бир йўла 15—20 турдаги дарсликларни сотиб олишга ҳар қандай кишининг ҳам қурби етмаса керак. Қолаверса ўша тиғиз пайтларда у ёки бу дарслик қайсидир китоб дўконида тугаб қолиши, бу эса ота-оналар учун дарслик излаш каби оворагарчиликни келтириб чиқариши мумкин.

*Абдумалик АБДУРАҲМОНОВ суҳбатлашди.*

***ТАҲРИРИЯТДАН:** Юқоридаги суҳбат босишга чоп этилган пайтда биз Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Узлуксиз таълим тизимини дарсликлар ва ўқув адабиётлари билан таъминлашни такомиллаштириш тўғрисида»ги қарорини бажариш бўйича қилинган ишлар ҳақида гапириб беришни сўраб, Ўзбекистон Республикаси халқ таълими вазирининг ўринбосари Муртазо Султоновга мурожаат қилдик.*

***— Ҳозиргача вазирлигимизда ҳукуматимизнинг мазкур қарорини бажариш бўйича муайян ишлар қилинди, — дейди Муртазо Султонов. — Чунончи, дарслик ва ўқув қўлланмаларига қўйиладиган талаб ва мезонлар ишлаб чиқилди. Уларни қатъий буюртма ва шартномалар асосида яратиш, амалда қўлланилаётганларини экспертизадан ўтказиш ишлари ниҳоясига етказилди. Бу борада асосий эътибор дарсликларнинг ўқувчи ёши ва хусусиятларига мослиги, санитария-гигиена, эстетика ва матбаа талабларига жавоб беришини таъминлашга қаратилди.***

***1998 — 99 ўқув йили учун дарсликларни сотишни ташкил этиш бўйича вазирликда махсус ишчи гуруҳ тузилди. У савдо тармоғига, жумладан, республикамизнинг барча шаҳар ва туманларидаги китоб дўконларига дарслик ва ўқув қўлланмаларини етказиб бериш масаласи билан шуғулланмоқда. Шу билан бирга, ишчи гуруҳ томонидан эҳтиёжманд оилалар фарзандларини ҳам китоблар билан таъминлаш борасида талай ишлар қилинмоқда.***

***— Бу масалада ҳомийлар, корхоналар, турли жамғармалар, хайрия ташкилотлари ва фуқаролар ёрдамига умид боғлаяпмиз, — дея сўзида давом этади М. Султонов. — Шу мақсадда ЖСБ Меҳнат бўлимида 20204000000101044001 ҳисоб рақами очилди (Банк коди 00423). Вазирлигимизнинг «Таълим-таъминот» бош бошқармаси бу ҳисоб рақамига биринчилардан бўлиб 1 миллион сўм пул ўтказди. «Ариана плюс» фирмаси ҳам шу ташаббусга қўшилиб, шунча миқдорда маблағ ҳадя қилди. Фурсатдан фойдаланиб, барча саховатпарвар кишиларни бу хайрли ишга ўз ҳиссаларини қўшишга чақираман.***

***Шубҳасиз, таълим тизимидаги бундай янгилик, авваламбор бозор иқтисоди талаблари остида юзага келди. Иккинчидан, дарслик билан таъминлашнинг пуллик шакли ўқувчининг китобга бўлган муносабатини ўзгартиришга, ота-оналарнинг талабчанлигини оширишга, қолаверса, дарсликларнинг матбаа сифатини янада яхшилашга қаратилгандир. Сир эмаски, ўқувчилар орасида дарсликка эҳтиётсизлик билан муносабатда бўлиш ҳоллари учрайди. Эндиликда ҳаммамиз китобнинг нафақат маънавий, балки моддий бойлик эканига ҳам амин бўлаяпмиз.***

***Хуллас, муҳтарам ота-оналар, фарзандларингиз учун дарслик сотиб олишга кечикманг.***

***Шоҳ Аббос Сафавий 1558 йилда сафавийлар мамлакатининг пойтахтини Исфахон шаҳрига кўчиради. Сарой аҳли билан бирга баъзи мусаввирлар ҳам у ерга кўчиб ўтадилар. Исфахон наққошлик мактабига, бир гуруҳ исфахонлик Эрон мусаввирларининг, шу жумладан, Аббос Ризоийнинг ижодига, XVI аср иккинчи ярмида ижод қилган Озарбайжон рассомлари Муҳаммад ва Афшар Содиқбекларнинг ижодий тажрибаси, Қазвин мусаввирлик мактаби, анъаналари катта ижодий таъсир ўтказди.***

Камолиддин Беҳзоднинг 540 йиллиги олдидан

# ИСФАХОНДА КЕЗАР НАФАСИ

Муҳаммад Содиқбек Султон Муҳаммаднинг ҳам ўғли, ҳам шогирди бўлиб, у 1527-1578 йиллар давомида 50 йил аввал Табризда, сўнгра Қазвинда ишлаган.

Афшар Содиқбек Озарбайжон мусаввири бўлиб, «Қонун-ас-сувар» китобининг муаллифи, буюк олим ва шоир ҳамдир. Унинг асарлари ҳам худди Муҳаммад асарлари сингари тасвирий санъатда реаллик анъаналарини, табиатга бевосита муносабатини ифодалайди.

Озарбайжон рассомларининг санъатдаги реал йўналиши ва эстетик дунёқараш XVI аср охири ва XVII аср бошларидаги Эрон рангтасвирининг ривожига катта таъсир ўтказган. Айнан шу даврда буюк Эрон мусаввири Аббос Ризоий ижоди бошланган эди.

Эрон миниатюраси билан шуғулланувчи йирик мутахассислар узоқ вақтгача Ризо Ака, Аббос Ризоий имзоси икки кишига тааллуқли деб ҳисоблаб келишган. Изланишлар натижасида иккала имзо Аббос Ризоийга тегишли эканлиги маълум бўлди. Али Аббос Ризоийнинг ижодий йўли албатта, ўша давр Эрон санъатидаги зиддиятларга дуч келган, лекин шунга қарамай, у ўзига хос ёрқин истеъдод эгаси эканлигини кўрсатди. «Тўғри, давр унинг борлиги билан фахрланади, чунки у ўзининг энг гуллаган ўспиринлик вақтидаёқ нафис мўйқаламда моҳирлик билан тасвирларни ўхшатиб ифодалаганки, агар Моний ва Беҳзод ҳаёт бўлганларида эди, албатта бир кунда ўн маротаба унинг қўлларини ва мўйқаламини кўкларга кўтариб мақтар эдилар. Айнан ҳозирги даврда унинг рақиблари йўқ, балки у билан бир даврда яшовчи мусаввир-усталар, моҳир тасвирчилар уни бенуқсон мусаввир деб атайдилар», деган эди Қози Аҳмад.

Яна бошқа манбага кўра 1593 йилда шоҳ Аббос саройига хизматга тушиб қолган Ризоий бу ерда хаттот, безакчи ва миниатюра мусаввири бўлган. Лекин, асосан мусаввир сифатида шуҳрат қозонган, аввал Қазвинда ишлаган, сўнгра Исфахонда шоҳ саройида; кўплаб шогирдлари ва мухлислари бўлган. Аббос Ризоийнинг ижодий йўли 3 даврга бўлинади: бошланиш даври — то 1605 йилгача, етуклик даври — то 1620 йиллар ва охирги даври то — 1635 йилгача, яъни вафот этган вақтгача.

Аббос Ризоий хорижий мамлакатларда яратган асарларида XVI аср Табриз — Қазвин нафис тасвирий санъати анъаналари ифодали эгилувчан чизиқларда, ранглар мутаносиблигининг нозик тушунчасида сақланган.

Санкт-Петербургдаги эрмитажда сақланаётган «Мўйнадан бош кийим кийган аёл» суратида бежирим, хушқад, келишган қиз сиймоси бенуқсон маҳорат билан ишланган. Кийимидаги баъзи бурмаларининг график берилиши асарни бирмунча катталаштиради. Миниатюрада ранглар уйғунлиги янгича ечилади: анъанавий тилла сариқ манзарали фон сақланган ҳолда қиёфа ифодаланади ва рассом ёрқин ранглар мутаносиблигидан воз кечиб, майин тусга ўтади. Асар тагида Аббос Ризо имзоси бор.

Кейинроқ Аббос Ризоий анъанавий бадиий қўлланмаларни бошқача ҳал қилади. У тўғри ва эгилувчан чизиқлардан воз кечади. Мусаввир ижодининг етук давридаги асарларида энди чизиқлар хотиржамлик ва бир хилликдан тўхтайди. Энди у доим ўзгарувчан ҳолда, гоҳ кенг, гоҳ оғир, гоҳ енгил ва нозик, нафис ҳатто, узуқ-узуқ ҳолда бўлади. Бу сувратга гўзаллик бағишлаб, тасвирларни янгитдан равон ва ҳаракатчан қилади.

Бу янги услуб мусаввирнинг «Гул тутган ўсмир» номли мини-расмда яққол намоён бўлади. У фойдаланган чизиқлар бу ерда ўзгарувчан ва ҳаракатчанлик, шунингдек ўспиринни манзара қўйнида ифодалайди.

Мусаввир бутун ижодий билимини бутун борлиқни тасвирлашга қаратарди. Мусаввир қўлида кўпинча муроққа (альбом) кўтариб юриб, қораламалар чизар, кўп эътиборини табиий тасвирларга қаратарди. Масалан, дам олаётган киши тасвири ёки «Ўтин боғлаётган деҳқон» кабилар. Қовурғалари саналиб ётган отнинг майсада юк тайёр бўлишини кутиб ағанаб ётиши ҳаққоний тасвирланган.

Дабдабали сарой мусаввирининг деҳқон ҳаёти билан қизиқиб, уни тасвирлаши, меҳнаткашларнинг оғир аҳволига қизиқиш, уларга нисбатан эътибори сезилиб турибди.

Аббос Ризоий жуда кўплаб шогирдлар етиштирган. Айримлар Аббос Ризоий ижодининг янги томонларини ўзида мужассамлаштириб, миниатюра санъатида ўчмас из қолдирганлар. Шулардан: Муин Мусаввир, Муҳаммад Козим, Муҳаммад Юсуф ал-Ҳусайний, Муҳаммад Юсуф мусаввир, Афзал ал-Ҳусайнийлардир.

XVII асрнинг иккинчи ярмига келиб Эронда Ғарбий Европа санъатига қизиқувчи ва унга тақлид қилувчи мусаввирлар пайдо бўлди. Булар Муҳаммад Замон ибн Ҳожи Юсуф Қули, Али Қулибек Жаббор ва бошқалардир.

Сафавийлар Эронида миниатюра услубига яқин бўлган, айнан нафис тасвирий санъат мусаввирлари томонидан ишланган деворий сувратлар ҳам мавжуд. Бизгача XVII асрда Али Кашу ва Чиҳл Сутун қасрига ишланган безак ва деворий сувратлар етиб келган. Бундай миниатюра сувратларини ишлаган мусаввирлар сарой ҳаётидан лавҳаларни, ўсмир ва қизлар тасвирини, боғда ёки қаср ичида машғул бўлганлар, ёинки жуфтлашиб сайр қилиб юрувчиларни, ёхуд ов манзарасини, ҳайвонлар кўринишини мавзу қилиб олганлар. Исфахон қасрий сувратлари Аббос Ризоий миниатюрасига яқин бўлсада, лекин Оврупо рангтасвирининг таъсири сезиларли даражада.

Исфахонда «Чиҳл сутун» қасри Аббос Сафавий хоҳиши ва буйруғи билан барпо қилинган. Унинг безаклари ва миниатюраларини машҳур наққош, миниатюрачи Музаффар Али ишлаган. Мазкур безак ва миниатюралар борасида эронлик олим Фазлулло Ҳақиқ шундай дейди:

«Азамат ва салобатли «Чиҳл сутун» саройини томоша қилган кишини ҳаммадан аввал ҳайратга солиб, ўзига ром қилиб оладиган нарса бу — улкан айвонлар устидаги гумбазларга, обдон қойил мақом қилиб ишланган лавзишакл безаклар ва ўша безаклардаги ранг-баранг ёрқин жилодор бўёқлар ва уларни бунёд этган ҳайратомуз наққошлик қудрати ва маҳоратидир. Сафавийлар наққошлик санъатининг авжига чиқиб, тараққий этганлигидан дарак бериб турган бу гўзал ва зебо безаклар, нақшлар устод Беҳзоднинг қариндошларидан ва забардаст шогирдларидан бири бўлмиш Музаффар Алининг мўйқаламига тегишлидир».

Кўриниб турибдики, Беҳзод нафақат Туронда, балки Эронда ҳам миниатюра жанрига катта таъсир кўрсатган. Унинг ҳассос мўйқаламидан яралган сувратлар унинг минглаб шогирдларига бир олам илҳом бағишлаб турган. Қазвин, Табриз, Исфахон мактабларига мансуб бўлган миниатюра усталари ижодидан Беҳзод нафаси келиб туришини шундоқ таърифласак тўғри бўлади.

*Шоира ЎРМОНОВА, санъатшунос.*

Анжуманлар

# ОИЛАДА МЕҲР БЎЛСИН

Ўзбекистон Республикаси Ёшларининг «Камолот» жамғармаси Миробод тумани бўлими ҳамда туман хотин-қизлар қўмитаси ҳамкорликда «Оила маънавияти» мавзуида давра суҳбати ўтказди. Ўтказилган тадбирда туман маҳаллалари хотин-қизлар кенгашлари раислари, олий ўқув юртлари, «Камолот» жамғармалари ва «Қизлар клуби» аъзолари, мактабларнинг тарбиявий ишлар бўйича директор ўринбосарлари ва барча қизиққан йигит ва қизлар иштирок этишди.

Бу тадбирнинг асосий мақсади оила тинч-тотувлигини таъминлаш, юртимиз равнақига улуш қўшадиган билимдон фарзандларни тарбиялаётган ибратли оилалар сонини янада кўпайтириш, бу ишга оила бошлиқлари — ота ва онанинг қай даражада ҳисса қўшишига қаратилди.

Республика «Маънавият ва маърифат» жамоатчилик маркази бўлим мудири, шоира Турсуной Содиқова йиғилганларнинг саволларига жавоб қайтарар экан, оила тотувлигида эркак ва аёлнинг роли, қизлар тарбиясида онанинг, ўғил болалар тарбиясида отанинг ҳиссалари, миллий оиламиз қандай бўлиши кераклиги, қиз бола ва йигитни турмушга тайёрлаш хусусида тўхталди.

*Дилноза ГУЛБОЕВА.*

Танловлар

# ЗЕБОЛИК УСТАЛАРИ

***Бугунги кунда аҳолига маиший хизмат кўрсатиш тизими фаолиятини янада самарали ташкил этиш борасида қилинаётган ишлар, кўрилаётган чоралар диққатга сазовордир. Собир Раҳимов туманидаги «Боситхон» жамоа корхонасида «Сартарошлар — моҳир касб устаси» кўрик-танловининг ўтказилиши ҳам фикримизнинг далилидир.***

Ушбу танловда тумандаги 6 та аҳолига маиший хизмат кўрсатиш корхоналари мутахассислари иштирок этди. Яъни «Кўзгу муҳаббат» масъулияти чекланган жамият, «Боситхон» жамоа корхонаси, «Н. Абдулазиз К», «АОО Дилором», «Лион М» ҳамда «СТС УММО» хусусий фирмаларининг қўли гул сартарошлари ўзаро баҳслашдилар.

Тошкент шаҳар маиший хизмат кўрсатиш уюшмаси ҳамда Собир Раҳимов тумани ҳокимлиги ҳамкорлигида ўтказилган мазкур кўрик-танлов қатнашчилари аёллар ва эркаклар сартарошлиги бўйича ўз куч-маҳоратларини намойиш этишди.

Танлов шартлари бўйича тўпланган баллар якунига кўра аёллар соч турмаклаш бўйича биринчи ўринни «Кўзгу муҳаббат» масъулияти чекланган жамият ходими Т. Корсеева ва Г. Шерияздоновалар эгаллаган бўлса, иккинчи ўринни ҳам шу жамият ходими Г. Сулаймонов, учинчи ўринни эса «Лион М» хусусий фирма ходими О. Евтуховаларга насиб этди. Эркаклар сартарошлиги бўйича эса «Боситхон» жамоа корхонаси ходими Ф. Каримжонов ғолиб чиқди. Иккинчи ўринни «Кўзгу муҳаббат» масъулияти чекланган жамият ходими А. Қосимова ҳамда «АОО Дилором» хусусий фирмаси ходими И. Федченко, учинчи ўринни «Лион М» хусусий фирма ходими С. Қодирова ва «Н. Абдулазиз К» хусусий фирмаси ходими А. Юнусовлар қўлга киритишди.

— Бу кўрик-танловнинг ўтказилиши шаҳримиздаги маиший хизмат кўрсатиш корхоналарининг фаолиятини яхшилаш мақсадида олиб борилаётган ишларимизнинг бир дебочасидир, — дейди биз билан суҳбатда шаҳар маиший хизмат кўрсатиш уюшмаси раисининг ўринбосари Олимжон Мамадалиев. — Дарҳақиқат Президентимизнинг «Аҳолига маиший хизмат кўрсатиш тизимида ислоҳотларни давом эттириш тўғрисида»ги Фармони эълон қилиниши бу соҳада бажарилаётган ишларимизни яна бир бор таҳлил қилишимизга ундади. Мана бугунги кўрик-танловининг ўтказилишидан мақсад ҳам аҳолига сифатли ва ўз вақтида хизмат кўрсатишни ташкил этишга қаратилгандир. Биз шаҳар бўйича танлов ғолибини аниқлаганимиздан сўнг Республика миқёсида ўтказилиши кутилаётган шундай танловда қатнашиш ниятидамиз.

Суҳбатимизга Собир Раҳимов тумани ҳокимининг биринчи ўринбосари Абдураззоқ Мўминов ҳам қўшилди.

— Бизнинг мақсадимиз асосан шу соҳада хизмат қилаётган ходимларнинг малакаларини ошириш билан бирга унга қизиқувчи истеъдодларни ҳам танлаб олишдир. Яна шуни алоҳида айтиш кераки, бугунги бозор шароитида аҳолига сифатли маданий-маиший хизмат кўрсатиш, халқнинг талабини қондиришдек юмушларни лозим даражада адо этиш барчамизнинг муҳим бурчимиз деб ўйлайман. Мана, сартарош усталаримиз ўзларини бор маҳоратлари билан танловда иштирок этишди. Албатта танлов ғолибларига берилган диплом ва фахрий ёрлиқлар, туман ва шаҳар ҳокимлигининг қўллаб-қувватлашлари, уларда касбларига нисбатан янада меҳр ва фахр уйғотади.

*Очил ҲАЗРАТОВ.*





*СУРАТЛАРДА: «Сартарошлар — моҳир касб устаси» кўрик-танлови иштирокчилари ўз маҳоратини намойиш этишмоқда.*

